

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ  
ДЕН САҰЛЫҚТЫ САҚЛАҰ МИНИСТРИ**

А.Джуманиязовқа

Мағлыұмат хэм орынлаұ ушын қабыл  
қылынсин

Орынлаұ муддети

10.01.2023 жыл



Қ.Ж.КАМАЛОВ

№12/

«04» Январь 2023-жыл



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI**  
**MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,  
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2022 йил "29" декабрь

06-41527 - сон

**Вазирлик тизимидаги барча  
ташкilot ва тиббиёт  
муассасаларига**

**Қорақалпоғистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазирлиги,  
Тошкент шаҳар соғлиқни  
сақлаш бош бошқармаси ҳамда  
вилоятлар соғлиқни сақлаш  
бошқармаларига**

**КЎРСАТМА ХАТ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 424-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Хизмат сафарига юбориладиган ходимларнинг ҳужжатларини мазкур қарор бандлари асосида расмийлаштирилиши сўралади.


**Вазир ўринбосари**



**О.Фазилкаримов**

Ижрочи: С.Ёқубов  
ID: 52016  
Сана: 29.12.2022

*И. Донуралиев*





ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING  
QARORI

20 22 yil « 2 » avgust

№ 424

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Худудда Хизмат Сафарлари  
Тўғрисидаги Низомни Тасдиқлаш Ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги Конунни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларнинг самардорлигини ошириш бўйича “йўл харитаси”нинг 24-бандида хизмат сафари харажатларини ҳисоблаш ва уларни молиялаштириш тартиби ва нормативларини қайта кўриб чиқиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйилганларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Худудда хизмат сафарлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ходимларни хизмат сафарига юбориш тартиби;

хизмат сафарига юборилган ходимга хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш;

хизмат сафарига юборилган ходимларнинг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини таъминлаш;

хизмат сафарига кетаётган ва хизмат сафаридан қайтаётган шахсларни рўйхатга олиш бўйича махсус электрон журналлар юритиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ кўмитаси, Транспорти вазирлиги, Турizm ва маданият мерос вазирлиги, Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатга** хизмат сафари харажатлари ҳисобини юритиш бўйича дастурий таъминот ва Унинг мобил иловасини ишлаб чиқсин ҳамда ишга туширсин.

Буила:

Мобил илова орқали хизмат сафарига бўлган ходимнинг транспорт, меҳмонхона, овқатланиш ва бошқа харажатлари харид чекининг физикал белгиси матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида онлайн тарзда ҳисобга олинганда ҳамда хизмат сафари харажатларини автоматик равишда ҳисоблаш учун “ЎзАСБО” дастурий мажмуасига ушатилади;

дастурий таъминотга ходимни хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади ҳамда ходимлар хизмат сафарига юборилганлиги тасдиқлангандан сўнг меҳмонхона харажатлари бўйича меҳмонхоналарга тўланадиган тўловлар пул ўтказиш йўли билан автоматик равишда ўтказиб берилади.

4. Хизмат сафари харажатлари ҳисобини юритиш бўйича дастурий таъминот фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида:


Ўзбекистон Республикаси Турizm ва маданият мерос вазирлиги Молия вазирлиги, Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатга** бюджет ташкилотлари ҳамда меҳмонхоналар ўртасида республика худудда хизмат сафарига юборилган ходимларни турар жойдан фойдаланишга оид шартномаларни расмийлаштириш ва тўловларни амалга ошириш бўйича электрон модулни яратсин ҳамда дастурий таъминотга интеграция қилинишини;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси “Soliq.uz” дастури орқали матрицали штрих код (QR-код)ли харид чекалари ёрдамида хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни тасдиқловчи маълумотлар “ЎзАСБО” дастурий мажмуасига ушатилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқарттириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирини Ж.А. Кўчқоров зиммасига юксатсин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазирини



А. Арипов

01927-конт  
02.08.2022

ИНП





230105, Nukus shahri, I.Karimov k., 152-uy  
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,  
e-mail: [info.mz.rk@ssv.uz](mailto:info.mz.rk@ssv.uz)

230105, Nókis qalasi, I.Karimov k., 152-jay  
Tel: (998-61) 226-00-48, fax: 226-00-58,  
e-mail: [info.mz.rk@ssv.uz](mailto:info.mz.rk@ssv.uz)

2023 yil "10" ol

№ 03-04/127

**Республика даволаш-профилактика  
муассасалари раҳбарлари ва туман (шаҳар)  
тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига**

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Сизга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил  
29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил  
2 августдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 424-сонли қарори юзасидан  
06-41527-сонли кўрсатма хати бўйича қарор маълумот ва ижро ҳамда хизмат  
сафарига юбориладиган ходимларнинг ҳужжатларини мазкур қарор бандлари  
асосида расмийлаштирилиши учун юборилмоқда.

**Илова: 2-варақда.**

Вазир ўринбосари

**Т.К.Сарбаев**